

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (11.292)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар



СТИҚЛОЛГА ЮЗ ТУТГАНИМИЗ ДАСТАБКИ ЙИЛЛАРДАН БОШЛАБ ЮРТ ЭРТАСИ, КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ БЎЛМИШ ЁШ АВЛОДНИНГ РУХАН ТЕТИК, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.



2008 — Ёшлар йили

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам эътиборга моликдир. Айниқса ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишлар 2008 — Ёшлар йилида янада кенгайиб муҳим аҳамият касб этмоқда.

махсус ўқув юртралида аъло баҳоларга ўқибётган талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун 1998-1999 ўқув йилидан эътиборан 10 та стипендия таъсис этилган ва улар мунтазам бериб келинмоқда. Янги таълим тизимига ўтиш давридаги ўзгартиришлар инobatга олиниб эса 2003-2004 ўқув йилидан эътиборан семестр якунларига қўра олий ўқув юртралининг талабаларидан беш нафарига стипендия, ўрта махсус ўқув юртралининг ўқувчиларидан беш нафарига эса эсдалик совгалари топширилмоқда.

соҳиблари сони 100 нафардан ортиб кетди, — дейди Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов. — Ёшларимизнинг ҳар бир ютуғидан қувонамиз, спорт, фан соҳасида эришаётган галабасидан фахрланамиз. Бизнинг озгина кўрсатган эътиборимиз уларни янада руҳлантиради деб ишонамиз. Эртанги кунимизнинг ворислари мана шу ишончга ҳамиша муносиб бўладилар, илму фанда юқори чўққиларни эгаллаб юртимиз ривожига раванқ қўшадилар, албатта.

Қисқа сатрларда

СОБИР Раҳимов туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида фаол хотин-қизлар ва ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланди.

да маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.
ШАХРИМИЗДА Ёшлар йили муносабати билан Тошкент Тиббий академияси ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашувининг Тошкент шаҳар Кубоги баҳси ўтказилди.

ишлар хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

лакатимиз театрининг фестивалининг аҳамиятига бағишлаб уюштирилган тадбирда театршунослар, актёрлар режиссёрлар, драматурглар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлариди ҳарбий хизмати ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, кўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёргилини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан ички

Мамлакатимизда Президент ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОРАСИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. АЙНИ ЧОҒДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УЎТАЁТГАН АКСАРЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА, МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИАТИ ЮҚОРИ, ЖИСМОНАН ЕТУК ҲАРБИЙЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

ган ўғлонлар ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёزلарга эга бўлмоқда. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқароларга республикамиз олий ўқув юртралига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдориде балл қўшиб бериш имтиёзи жорий этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI 2008 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда ва 18 июлда бўлиб ўтган мажлисларида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, теҳник ва технология янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2008 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди.

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЗЧИЛ ВА МУВОЗАНАТЛИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича янги ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари эса 12,4 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол товарлари — 18,4 фоиз; қурилиш ишлари — 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 4,1 фоиз, чакана савдо айланмаси — 15 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш — 19,3 фоиз ортди.

Давлат бюджети 1,9 фоиз профицит билан бажарилди. Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 22,4 фоиз кўпайди. Иқтисодий тараққийётнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги соҳаларнинг изчил ривожланишини қайд этиш мумкин: ташқи савдо, энг аввало, экспорт фаолияти. Ташқи савдо айланмаси 40,9 фоиз, шу жумладан, экспорт — 62,9 фоиз ортди. Тўлов балансининг ижобий сальдоси қарийб 4,5 млрд. долларни ташкил этди;

инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг реал секторидеги таркибий ўзгаришларнинг изчиллигини ва ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоиз ортишини таъминлади; кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантиришга бизнесга солиқ юқини ва мамырий таъсирни камайтириш ҳисобидан эришилди. Натижада микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар ўтган йилдагига нисбатан 38,8 фоиз, фойда солиғи бўйича — 41,7 фоиз ортди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2007 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Table with 2 columns: Кўрсаткичлар, 2008 йилнинг 9 ойи. Rows include: Ялпи ички маҳсулот, Саноат маҳсулотлари ҳажми, Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, Асосий капиталдаги инвестициялар, Қурилиш ишлари, Чакана савдо айланмаси, Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш.

II. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШ

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Инвестиция дастурининг бажарилиши таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизациялаш ва технология янгилашда муҳим омил бўлди. Ҳисобот даврида барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 5809,8 миллиард сўмини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан солиштирма нархларда 22,4 фоиз ўсди.

Дастурнинг ҳисобот давридаги ижроси барча йўналишларда — бюджет маблағлари бўйича ҳам, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари бўйича ҳам таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қашқадарё вилояти бош бошқармасида «Ҳакамлик суди, ҳакамлик судида иш юритиш ва ҳакамлик муҳокамасига оид процессуал ҳолатлар» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. БМТ Тараққиёт дастури ва Республика Савдо-саноат палатасининг «Ўзбекистонда ҳакамлик судлари ва низоллари ҳал этишнинг бошқа муқошиб усуллари ривожланишига қўмаклашиш» қўшма лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур-семинар тренингда воҳадаги тижорат банкларининг ходимлари ва ҳуқуқшунослар қатнашди.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Хоразм вилоятига навбатдаги хайрия акциясини йўллади. 80 миллион сўмлик кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена маҳсулотлари ортилган саломатлик поезди Урганч темир йўл вокзалида қутиб олинди.

Самарқанддаги вилоят ўқувчи-ёшлар техник иходиёти марказида «Оила-маҳалла-мактаб» ҳамкорлик маркази ташкил этилди.

Олтинқўлдаги ип-йигирув корхонасига хориз инвесторлари томонидан 3 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдоридеги маблағ йўналиштирилди, Италия, Тайвань, Туркиядан илгор технологиялар келтирилди. Замонавий технологиялар шарофати билан эндиликда корхона сифатли трикотаж маҳсулотларининг 80 фоизи хоризга экспорт қилинмоқда.

Республика Шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиалида саломатлик акцияси ўтказилди. Тадбир давомида «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармаларининг вилоят бўлими томонидан кам таъминланган оилаларнинг бемор аъзоларига дори-дармон, кийим-кечаклар улашилди.

Марғилонда яна бир замонавий поликлиника ўз эшикларини очди. Оилавий поликлиника йўналишидаги ушбу даволаш муассасасига замонавий тиббий анжумлар ўрнатилган бўлиб, унда 10 та бўлимдан ташқари кундузги стационар, «Тез ёрдам» хизмати мавжуд. Шунингдек, тунги навбатчилик ташкил этилган. Янги поликлиника яқин-атрофдаги 11 та маҳаллада истиқомат қилувчи 28 минг аҳолига хизмат кўрсатади.

Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида қишки мавсумга тайёргарлик ҳолати ва якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Вобкент шаҳарчасидаги «Вобкент йигирувчи» МЧЖга Польшанинг «Стейстон» компаниясининг янги технологик линияси ўрнатилиши корхонада экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратишдан ташқари, вобкентлик 40 нафарга яқин ёшнинг ишли бўлишини таъминлади.

ЖАҲОНДА

Кеча Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев Бразилияга ташриф буюрди. Рио-де Жанейро шаҳрида Медведев Бразилия давлати раҳбари ва мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Ташриф давомида ҳар иккала давлат ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик юзасидан битим имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Чехиянинг 30 та шахри мэралари янги сайланган АҚШ президенти Барак Обамага Европага Американинг ракетага қарши муҳофаа тизимини ўрнатишни рад этишини сўраб жамоавий мактубни имзоладилар.

Кеча мамлакат муҳолифат кучлари парламент биносини қуршаб олганлиги туфайли Таиланд парламенти ҳар иккала палатасининг қўшма йиғилиши бошқа мuddатга кўчирилди.

Озарбойжондаги йирик газ ўтказгичлардан бири — «Боку-Газ» қувурида портлаш содир бўлди. Бахтсиз ҳодиса туфайли мамлакатнинг Гянджа шаҳри газ таъминотида узилиб қолди. Портлаш газ қувуридаги носозлик туфайли юз берган бўлиб, айни пайтда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Фалокат оқибатида ҳеч ким жабрланмади.

АҚШнинг «Индевор» шатли астронавлари очик космосга чиқиш бўйича ўз вазифаларини муваффақиятли уддаладилар.

Тайвань ҳукумати мамлакатдаги иқтисодий инқирозга барҳам бериш мақсадида 15 миллиард доллар миқдориде маблағ ажратди.

Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар пайтида нефть нархининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Хусусан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 53,93 доллар миқдориде қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда 54,57 доллар кўрсаткичга эга бўлди.

Кеча Украинанинг «Нафтогаз Украины» компанияси вакиллари газ учун 2,5 миллиард долларлик қарз масалаларини ҳал этиш учун зудлик билан Россияга келишди.

Чехия шимоли-шарқиде Рихтер шкаласи бўйича 3,7 баллик зилзила содир бўлди. Табиий офат оқибатида худудда жойлашган шахталардан бири талафот кўрди. Натижада 710 метр чуқурликда ишлаётган қончилардан икки нафари ҳаётдан кўз юмди, уч киши эса оғир тан жароҳати олди.

Фармон ва ижро ҲАРБИЙ ХИЗМАТТА ЧАҚИРУВ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлигини, хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича замонавий дастурларни чуқур ўзлаштириши учун кенг имконият яратяди. Бундан ташқари, муҳофаа ишлари бошқармалари чақирув ҳамда кўшинларнинг ўқув пунктлари инфратузилмаларини такомиллаштиришга, уларни моддий-техник ашё ва тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, Қуроли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш каби масалаларни ҳал этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Натижада ҳарбийларга эга бўлмоқда. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқароларга республикамиз олий ўқув юртралига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдориде балл қўшиб бериш имтиёзи жорий этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

969,6 млн. доллар ҳажмида чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар - 721,66 млн. доллар ташкил этди. Уларнинг ўсиши тегишли равишда 37,4 ва 33,5 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестициялар умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори 74,4 фоизни ташкил этди. Жалб этилган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажмидан 31,6 фоиз - янги қурилмаларга, 39,8 фоиз - модернизация ва реконструкция ишларида ва 28,6 фоиз - бошқа йўналишларга жалб этилди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан йirik инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 125,9 млн. доллар ҳажмида кредитлар ажратилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 4,3 баравар кўпдир.

2007 йилнинг шу давридаги нисбатан корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларига ажратилган маблағлар 16,6 фоиз, банк кредитлари - 81,8 фоиз, аҳоли маблағлари - 15,6 фоиз кўпайди. Капитал қўйилмаларининг умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 71,1 фоизи (2007 йилнинг 9 ойида 67 фоиз), шу жумладан, модернизация ишларига 36,6 фоиз йўналтирилди. Ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишининг ўсиши саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш дастурларининг ижроси, корхоналарга солиқ юкнини камайтирилиши, иқтисодиётнинг реал секторига кулай сармоявий муҳит яратиш билан бевосита боғлиқ.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида 284 ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озик-овқат саноатида - 112 озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш объекти, энгил ва тўқимачилик саноатида - ипақ толага ишлов бериш, пойабзал, калава ишлаб чиқариш, тўқимачилик, кўнчилик ва гиламдўзлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 39 объект, қурилиш материаллари саноатида - девор материаллари, мармар блоклар, шифер, рубероид, полистилен қувурлар, пластик ромлар ва эшиклар ишлаб чиқариш бўйича 61 объект, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида - 39 объект, кимё ва нефть кимё саноатида - 8, машинасозлик соҳасида - 5, фармацевтика соҳасида - 8 ва бошқа соҳаларда 12 объект фойдаланишга топширилди. Шундан 134 саноат объекти (ёки 47,2 фоизи) республиканинг 69 дотациядаги туманида ишга туширилди.

Хисобот даврида Қашқадарь вилоятидаги Помук қонида йилгига 3,5 млрд.куб.м. табиий газ қазиб олиш қувватига эга компрессор станцияси, Шўртан қонида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмаси (3- ва 4- навбатлари), Жиззах вилоятида полимер қувурлар ишлаб чиқарувчи «Замонавий полимер қувур» ҚК, Андихон вилоятида «Еркишлоқ» АЖ базасида ип калава ишлаб чиқариш бўйича «Алёртекс» ҚК, Жиззах вилоятида «Муруваттекс» ХШК, Тошкент вилоятида тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Дайшан Мегатекс» ХК (2-босқичи), Навоий вилоятида «Кизилкум Шина» ҚК, Тошкент шаҳрида бензоносилар ишлаб чиқариш бўйича «Toshafu» МЧК ҚК, Сирдарё вилоятида мебель ишлаб чиқариш бўйича «Сир Умар Камар» ХИФ, Тошкент вилоятида сутни қайта ишлаш бўйича «Ост-Милч» ҚК ва ҳоказолар ишга туширилди.

Ноишлаб чиқариш объектилари қурилиши ва ижтимоий иншоотларни реконструкция қилишга капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 28,9 фоизи йўналтирилди. Бу эса 100,5 миң ўқувчи ўрнига мўлжалланган 149 касб-хунар коллежи, 13,8 миң ўқувчи ўрнига мўлжалланган 22 академик лицей қурилишини, 210,2 миң ўқувчи ўрнига мўлжалланган 634 мактаб, 184 болалар спорт объекти, 20 кишлоқ врачлик пункти, 6083,4 миң кв.м. турар-жой қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш имконини берди.

Хисобот даврида модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ишлари 531,6 миллион долларга тенг миқдорда молиялаштирилди. 51 лойиҳа, шу жумладан, автомобиль саноатида - 10, энгил саноатида - 15, фармацевтика саноатида - 6, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида - 6, кимё саноатида - 4, пахта тозалаш заводларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича 7 лойиҳа ва металлургия соҳасида 3 лойиҳа яқунлаштирилди ва фойдаланишга топширилди.

Автомобиллар учун рул чамбарлари, ёқилғи насослари ва тор-моз трубкаларини, шунингдек, цемент, шифер, гипсли тош, калава, тўқимачилик маҳсулотлари ва жаккард матолар, дори-дармонлар, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилиниди ва янги қувватлари яратилди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши учун кулай шарт-шароит яратилишини таъминловчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар доирасида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, электр узатиш линияларини ривожлантириш ва темир йўл участкаларини электрлаштириш, сув ва газ таъминоти тизимларини янада яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хисобот даврида «узунлиги 117,4 км га тенг юқори қучланишли «Янги Ангрэн ИЭС - Ўзбекистон» линиясининг қурилиши яқунлаштирилди, бу Фарғона водийсининг электр энергияси билан ишончли таъминлаш имконини берди. Юқори қучланишли Сирдарё ИЭС - «Сўғдиёна» ПС, Фузур - Сурхон линияларини ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектиларини қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Узунлиги 2029,4 км га тенг сув қувурлари ва 631,4 км га тенг тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурига қура, 568 км автомобиль йўллари ва узунлиги 300,8 погон метрга тенг 9 та кўприк таъмирланди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2187,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, бу 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 1,3 баравар кўпдир. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш самараси 666 миллион долларни ташкил этди ёки 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 23,3 фоиз орди. 726,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида 622 корхонадан 418 тасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти яхшиланди, 283 корхона ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ўртача оилак ҳажмини ўтган йилга нисбатан 20 фоиздан ошди, 116 корхонада реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарда 5203 иш жойи яратилди ва тикланди.

Хисобот даврида қайта ташкил қилинган корхоналарнинг фойдаланилаётган қувватлари асосида 45 та янги корхона ташкил этилди. Қайда этилган корхоналарнинг 106 тасида ишлаб чиқариш фаолияти бошланди ҳамда 6,7 миңдан зиёд киши иш билан таъминланди.

Етакчи тармоқларни техник ва технология модернизация қилиш чораларини амалга ошириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни ташкил бозорларга олиб чиқиш саноат ишлаб чиқариши ва экспорт ҳажми ўсишини муҳим омилли бўлди.

Саноатда товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,4 фоизни ташкил этди. Усишининг энг юқори суръати ёқилғи (122,2 фоиз), машинасозлик ва металлургия ишлов бериш (120,8 фоиз), ёғоч, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз (120,4 фоиз), озик-овқат (129,9 фоиз) саноатида таъминланди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Table with 3 columns: Тармоқлар, 2007 йилнинг 9 ойи, 2008 йилнинг 9 ойи. Rows include Саноат, жами; шу жумладан: электр энергетикаси; ёқилғи; кора металлургия; кимё ва нефть кимёси саноати; машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш; ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати; қурилиш материаллари саноати; энгил саноат; озик-овқат саноати; бошқа саноат тармоқлари.

Йирик корхоналарда юқори қучланишли трансформаторлар, энгил ва юк автомобиллар, автобуслар, дори-дармон воситалари, омухта ем, кўмир ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Ташки иқтисодий фаолият соҳасида экспортнинг ўсиши асосан кимё маҳсулотлари (163,6 фоиз), машина ва жиҳозлар (113,1 фоиз), хизматлар (126,1 фоиз) ва бошқа товарлар ҳамда хизматлар ҳисобидан таъминланди.

III. ИСЛОХОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ,

БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хусусийлаштириш дастури амалга ошириш жараёнида 2008 йилнинг 9 ойида 232 давлат активи (прогнозага нисбатан 101,3 фоиз), жумладан, биржа савдоларида 57 (24,6 фоиз), биржадан ташқари савдода - 175 (75,4 фоиз) давлат активи сотилди. Сармоядорлар томонидан инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда 46 объект «нолга» тенг қийматда сотилди. Хисобот даврида 327 давлат корхонаси мулкчилик шакли ўзгартирилиб, нодавлат шаклга ўтказилди. Уларнинг 98,5 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди.

2008 йилнинг 9 ойи давомида кимматбаҳо қоғозлар бозорининг умумий айланмаси ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 2,3 баравар орди, кимматбаҳо қоғозлар иқтисомчи бозорининг жами айланмаси 79 фоиз ўсди.

2008 йилнинг 9 ойи давомида Молия-банк тизимини ислох қилиш дастурини амалга ошириш доирасида бозор инфратузилмасини ривожлантириш ишлари, шунингдек, суғурта, аудиторлик, лизинг ва баҳолаш компаниялари, кредит уюмлари ва тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш ишлари давом этирилди ва булар қўйидаги натижаларга эришиш имконини берди.

ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан тижорат банкларининг устав капитални қариб 2 баравар кўпайди, банк тизимининг барқарорлиги мустаҳкамланди, банкларнинг жами капиталли ва иқтисодиётга кредит қўйилмалари тегишли равишда 41,1 ва 27,7 фоиз ошди;

аҳолининг тижорат банкларига дағи омонатлари 50 фоиз кўпайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори 40,8 фоиз кўпайди;

суғурта компанияларининг жами устав капиталли (сўмдаги қисми) 2,1 баравар, шунингдек, суғурталашнинг барча турлари бўйича суғурта тўловларининг умумий ҳажми 26,7 фоиз ошди;

қўрсатилган аудиторлик хизматларининг умумий ҳажми 1,6 маротаба ошди, сифати яхшиланди.

Моддий ресурсларни сотиш бўйича бозор механизмларининг жорий этилиши натижасида 2008 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикаси товар-хонамашё биржасининг умумий товар айланмаси 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 1,3 баравар орди.

Мис маҳсулотларини сотиш ҳажми - 2,2 баравар, суперфосфат - 2,1 баравар, пахта линти - 1,9 баравар, қарбамид - 1,9 баравар, кўмир - 1,4 баравар, ўсимлик мойи - 1,3 баравар, цемент - 1,2 баравар, суоптирилган газ - 1,2 баравар ошди. Валюта мийн-дончаси орқали амалга оширилган экспорт ҳажми 1,9 баравар кўпайди.

IV. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ВА КАСАНАЧИЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошига нисбатан 3,3 фоиз ўсди ва 436,3 миңгача ташкил этди. Бунда саноатда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг умумий сони 2,5 фоиз, қурилишда - 4,6 фоиз, савдо ва умумий оқватлиниш соҳасида - 4,4 фоиз, транспорт ва алоқа соҳасида - 17,2 фоиз ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида - 7,2 фоиз ошди. Янги ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2007 йилнинг шу давридаги 43,1 фоиздан 45,3 фоизга орди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожланиш дастури доирасида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига оид барқарор суръатларни сақлаш, янги пайтда, кишлоқ жойларида унинг қўламини кенгайтириш ишлари амалга оширилди. 8 миңдан зиёд савдо, умумий оқватлиниш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шохобчалари ташкил этилди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларида хизмат кўрсатиш, микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш, тўлов тизимини такомиллаштириш чоралари қўрилди. Натижада иқтисодиётда қўрсатилган жами хизматлар ҳажми

18,5 фоиз орди, ушбу соҳанинг ЯИИМдаги солиштирма салмоғи эса ўтган йилнинг шу давридаги 40,5 фоиз ўрнига 44,9 фоиз орди. Кишлоқ аҳолисига қўрсатилган хизматлар улуши 23,7 фоиздан 26,5 фоизга кўпайди.

Хисобот даврида 545,2 миңга янги иш жойи яратилди (9 ой бўйича ҳудудий дастурлар қўрсатқичларига нисбатан 107,2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида - 303,4 миңга иш ўрни яратилди ва жами яратилган иш жойининг сонига нисбатан 56 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 188,2 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилди (янги иш ўринлари умумий сонининг 34,5 фоизи).

Касаначиликни ривожлантириш асосида корхоналар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида 85,1 миңга иш ўрни яратилди. Шу жумладан, йирик овноат корхоналари билан кооперация асосида 23,2 миңга, бошқа тармоқлардаги йирик корхоналар билан 32,5 миңга ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга иxtисослашган кичик саноат корхоналари билан 29,4 миңга иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, касаначилик орқали қўшимча равишда 182,5 миң киши иш билан таъминланди.

2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўра, шахсий томоқрасида ва деҳқон хўжалиқларида йирик қорамол боқиш билан шуғулланаётган 1,2 миллиондан зиёд киши рўйхатга олинди.

Меҳнат бозорига олиб борилган фаол сибас аҳолининг бандлик даражасини 336,1 миң кишига, ёки 3,1 фоиз ўсишини таъминлади.

V. СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ХОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА УНУМДОРЛИгини ОШИРИШ, КИШЛОҚ ХўЖАЛИГИДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАЛАРИ, АҲОЛИНИ ОЗИК-ОВҚАТ БИЛАН БАҒҚАРОР ТАЪМИНЛАШ

Жорий йилнинг 9 ойи давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида узунлиги 10165 километр (9 ойлик топшириққа нисбатан 100,4 фоиз) туманларо ва хўжалиқлараро коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. 168 километр (100,4 фоиз) магистрал ва хўжалиқлараро коллекторларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Иқтисослаштирилган пудратчи ташкилотларни техника билан таъминлаш ишлари бақарилди.

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсиши ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 4,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгига қараганда полиз экинлари (118,5 фоиз), картошка (108,6 фоиз) сабзавот (111,5 фоиз), мewa (114,2 фоиз), гўшт (106 фоиз), сут (106,2 фоиз), туҳум (108,5 фоиз) қўп етиштирилди.

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида шахсий томоқра ва деҳқон хўжалиқларида қорамоллар сонини кўпайтириш рағбатлантириш, шу соҳадаги сервис хизматлари тармоғини яратиш ва чорвачиликнинг озука базасини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилди.

Ташкил этилган 166 ақором пунктида 16036 зотли қорамол сотилди. 18,3 миң оила сигир билан бепул таъминланди. Қорамолларнинг умумий сони 7768,4 миң бошга етди ва ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 6,9 фоиз орди.

2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўра, тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳоли бандлигига қўмақлаштириш жамғармаси томонидан 26,7 миң оилага 34 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар берилди, бу прогноза қўрсатқичига нисбатан 136,6 фоизга тенгдир.

Мева-сабзавотчилик ва умумчилик соҳасида Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида 9 ой давомида қайта ташкил этилган ширкатлар неғизда 193 агрофирма тузилди. Натижада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 54,1 фоиз орди.

Хисобот даврида аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан бақарор таъминлаш бора-бора чора-тадбирлар амалга оширилди, натижада деҳқон бозорларининг товар айланмаси ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 7,8 фоиз кўпайди.

VI. ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ 2008-

2009 ЙИЛЛАР КУЗ-КИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ

Иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа объектиларини ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-киш мавсумига тайёрлаш мақсадида 1991 йилгача қурилган 2200 кўп қаватли уй, 150 қозонхона, 239 қозон, 115 км гипслик тармоқлар, 197 км газ тармоқлари, 166 км водопровод тармоқлари, 143 мактаб, 225 болалар боғчаси, 64 касалхона капитал таъмирланди, ижтимоий соҳа объектилари тўлиқ ҳажмида кўмир билан таъминланди.

VII. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 24,4 фоиз ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача иш ҳақи миқдори хисобот даври сўнгига 298,6 миң сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 57,4 фоиз кўпдир, ўртача пенсия миқдори 71,7 фоиз ўсди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган дастурлар натижасида 491,4 миң нафар 9-синф битирувчиси (битирувчилар умумий сонининг 81,4 фоизи) касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиниш давом эттирмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида янги ташкил этилаётган кишлоқ врачлик пунктилари ҳисобида тизимнинг бирламчи бўлини кенгайтирилмоқда (2007 йилнинг тегишли давридаги нисбатан ҚВЛлар сони 49 тага кўпайди). Бу эса стационар муассасаларнинг самараси ўринли фонди харажатларини исқартириш, уларни марказий туман ва вилоят шифохоналарига тақсимлаш, қўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш имконини берди.

Республиканинг иқтисослаштирилган тиббий марказларида қариб 10 миңга яқин тезкор амалиёт ва диагностика тадбири амалга оширилди, уларнинг 4961 таси (49,7 фоиз) юқори технологиялар асосида бақарилди. Республика иқтисослаштирилган жарроҳлик марказида Марказий Осиё ҳудудида илк мартабала юрак ритми бузилишини дароволашнинг юқори технологияли (катетерли) амалиёти жорий этилди. Хисобот даврида 36 та ана шундай амалиёт бақарилди.

Болаларни соғломлаштириш мақсадида 821 соғломлаштириш лагери тайёрланди, уларда 252034 нафар бола ўз соғлигини яхшилади, уларнинг 50 фоизи - кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Оролбўйи ҳудудидан 4517 нафар, Когон шаҳридан 2108 нафар бола Самарқанд ва Қашқадарь вилоятларидаги оромгоҳларда хордик чикарди.

«Ешлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишларига 9 ой мобайнида 1103,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларининг 240 миң нафар битирувчиси иш билан таъминланди. Бундан ташқари, 81,2 миң нафар ёшлар, шу жумладан, Куролли Кўчалар сифидан бўшатилган 12,3 миң киши, 20,2 миң ногирон ишга жойлаштирилди.

Ешларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Бандалика қўмақлаштириш жамғармаси ҳисобидан 1,5 миң ёш йигит-қиз учун 2045 млн. сўм микрокредит ажратилди; Микрокредитбанк томонидан 384 ёш тадбиркорга ўз ишини бошлаш учун 517,4 млн. сўмлик кредитлар, 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ва 24,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари; 4 миң ёш оилага қорамол харид қилиш учун 5,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Еш оилаларининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида кўп қаватли уй қурилиши учун 45,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Кишлоқ жойларида 1200 ёш ўқувчи оиласига яқна тартибда хусусий уй қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2008 йил учун белгилан берилган республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш орқали жаҳонда молиявий-иқтисодий инкироз тобора кучаяётган бир шароитда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлашга эришилди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, иқтисодиётда бозор ислохотларини жадаллаштириш, тижорат банкларнинг инвестиция жараёнидаги фаоллигини ошириш ва янги иш жойларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг давом этириш жаҳон молиявий инкирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига қўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирининг олдини олиш, мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори суръатларини сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлигини янада ошириш имконини беради.

Иқтисодиёт ТОШОЙНА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖИ, ТАДБИРКОРЛАР САФИНИНГ СОНИ ВА СИФАТ ЖИҲАТИДАН МУСТАҲКАМЛАНИШИ, ШУБҲАСИЗ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. УЛАРДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА МОС МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНИШИ ВА ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЙўЛГА ҚўЙИЛИШИ БАРОБАРИДА АҲОЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

«Хамдам афзал» хусусий корхонаси ҳам 5 йилдан буён фаолият кўрсатиб, бозорда ўз ўрнига эга бўлишга интилаётган жамоалар сирасига қиради. Корхона цехларида Россия технологияси асосида вакуум орқали тайёрланаётган безакли ойналар кўркам дизайни, сифати билан ажралиб туради.

— Фаолиятимизнинг илк даврида 2 нафар ишчи билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирги кунда ишчиларимиз сафи қариб ўн баробарга ошди, — дейди корхона директори Хамдам Ҳикматов. — Маҳсулотларимиз тури эса 20 хилга етганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилдан бошлаб бозорни ўрганган ҳолда тошойналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик ва ушбу маҳсулотимизни шартнома асосида мебель корхоналарига етказиб бераёلمиз. Шунингдек, тадбиркорлар тайёрлаётган безакли ойна ва тошойна маҳсулотлари пойтахтимиздаги кўпжа фирма дўконлари орқали харидорларга тортиқ этилиб, хонадонларга алоҳида файз ҳамда кўркамлик бахш этмоқда.

Келгусида тадбиркор жамоа ахли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш мақсадида Хитой давлатини янги ускуналар келтиришни режалашмоқда. Шунингдек, сифатли хом ашёга эга бўлиш учун «Кува-сой ойна» корхонаси билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

КАСАНАЧИ УСТА

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН СОПОЛ ХОМ АШЁСИДАН ЭСДАЛИК БУЮМЛАРИ ТАЙЁРЛАЁТГАН ИВАН ФЕДИЧКИН ҲАМ УСТОЗЛАР ҲИТИГА АМАЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАДИ. У ҲОЗИРДА ҲИТИ ҲАМ ШОГИРДЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА ВА УЛАРГА ҲУНАР СИРЛАРИНИ ЭРИНМАЙ ҲИТИМОҚДА.

Президент севрини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг туман босқичида фахрли 2-ўринни кўлга киритган хунарманднинг меҳнатлари алоҳи



ОЗ-ОЗ УЎТГАНИБ ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Нодонликдан топса жароҳат мижоз, Топар донолигу донодан илож.

Марднинг қадри эмас мол-давлат, Марднинг қадри эзгу хулқ-хислат.

Каттаю кичикка маълум бу маъно: Нодон ўлик бўлса, тирикдир доно.

Донолар ҳикмати машҳур ҳар бобда, Доно ўзи гўрда, илми китобда.

Чўз дўстларга мурувват қўлин, Тут эҳсону футувват йўлин.

Ҳар одамдан ошнолик истама, Ҳар ошнодан рўшнолик излама.

Кимни икки бўлса гул каби юзи, Унда нима қилсин вафонинг изи?!

Умид хазинасин очқичи санам, У бақо тонгининг хабарчиси ҳам.

Ёр билан ёр жону тангадир монанд, Бир-бирига жону тан каби пайванд. Жони бўлмаган тан нимадир? Мурдор. Тандан айрилган жон нимадир? Бекор. Тош олади кўёш шуъласидан тоб, Гулнинг суҳбатидан сув бўлар гулоб.

Ваъда берма, агар берсанг, вафо қил, Бевафолик айламоқдан ибод қил.

Нораводир жафо аҳлига вафо, Жафо мукофоти жафодир, жафо.

Энг севимли афсонадир ишқ, Энг ёқимли таронадир ишқ.

Чин дўстликнинг асоси ишқдир, Одамийлик либоси ишқдир.

Одам эмас, кимки ошққ эмасдир, Маҳрамлик базмига лойиқ эмасдир.

Севги келтирмасин ҳар қанча ташвиш, Пок кўнғиллар ундан топар осойиш. Шум фалак кўрсатар ҳар дам ранж-ситам, Ишқсиз қандай энгиб ўтади одам?

Хоҳи тубан бўлсин, хоҳ юксак, олий, Одам зоти ишқдан эмасдир холи. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кўрғазмалар

РАНГТАСВИРДА ЗАМОНДОШ АЁЛЛАР ҚИЁФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА МИЛЛИЙ КИНО ФЕСТИВАЛИ ВА "КИНОВИЗА" ВИЗУАЛ АНТРОПОЛОГИЯСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФОРУМИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ОЙЖАМОЛ" КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

"Ўзбекистон маданияти ва саънати форуми" жамғармаси, Швейцария Ўзбекистондаги элчихонаси, Швейцариянинг ҳамкорлик Бюроси ҳамда Ўзбекистоннинг Тасвирий саънат галереяси ҳамкорлигида ташкил этилган маъжур кўрғазма саънати умуминсоний аҳамиятидаги мавзуларнинг замонавий жамият ҳаётига ва нафосат воситалари таллабларига мос равишдаги шаклларида ифодаланганига қодирлиги акс эттирилган. Шундай мавзуларнинг бири дунё саънатида ҳамда Шарқ адабиёти ва саънатида кенг талқин этилувчи аёл образидир. Ушбу образга расомлар кўп бора мурожаат этган бўлсаларда, бу мавзу мустақил ва концептуал йўналишдаги кўринишда охириги йиллар мобайнида Ўзбекистон-

нинг замонавий саънатида намоён бўлган. Замонавий ҳаётнинг шиддатли ҳаракати аёл феноменининг чексиз чуқур бўлган табиатига янги кирралар олиб кирмоқда. Ушбу ўзгаришларни биз ўз замондош аёлларимизда ҳам сезишимиз мумкин. Аввалги қарашлар ўзгариб, аёл образининг ижтимоий ҳамда психологик жиҳатлари назарга олинган. Бундан ташқари, аёл образининг нозиклиги, бойиб бормоқда. Мана шу боғлиқлик нуктаи назардан ушбу масаланинг бугунги таҳлили гоёт муҳимдир.

—Ушбу кўрғазманинг мақсад ва вазифалари ҳақида шунини айтиш мумкин, — дейди кўрғазманинг лойиҳа раҳбари Ўзбекистон Бадий академияси академиги Акбар Ҳақимов, — Ўзбекистон замонавий саънатда ушбу мавзунинг аъло-наввий ва авангард шакллари орқали хусусан,



рангтасвир, инсталляция, фото ва бошқа кўри-нишларда намоён этиш замонавий саънати-нинг турли йўналиш вақиллари диққатини бир мавзуга қаратиш, уларнинг ҳақиқий ижодий потен-циалини объектив баҳолаш ва миллий саънат-да қарашларнинг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон яратди. Шу билан бир қатор-да ушбу лойиҳанинг яна бир мақсади, расом-ларда саънати-нинг пластик муаммосига бўлган ёндашувлар ҳамда аъло-наввий бўлмаган ечим-ларни шакллантиришга ва рағбатлантиришга, шу жумладан индивидуал фикрлашларни қўллаб-қувватлашга йўналиш берилган.

Кўрғазмада таниқли расомлар Бобур Исмоилов, Тимур Аҳмедов, Зебинисо Шарипова, Юрий Усеинов, Рональд Кляйер, Майкл Барри Лэйн, Фавзияноҳун Лэйн, Дийёр Розиков ва бошқаларнинг рангтас-вир асарларида замондош аёллар обра-зи ёрқин бўёқларда мохирона акс этти-рилган.

Гулором ҲАМИДОВА СУРАТЛАРДА. "Ойжамол" кўрғазмасидан лавҳалар Владимир Гранкин олган суратлар

Кураш

ОЛТИН МЕДАЛЛАР БИЛАН

МИЛЛАТИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ БЎЛГАН КУРАШ СПОРТ ТУРИ ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БЕВОСИТА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЛАРИ БОИС БУГУНГИ КУНДА ЮКСАК ЧўҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА ВА ДУНЁ НИГОҲИДА ҚАДАМБА-ҚАДАМ ОДИМ ТАШЛАБ ЎЗЛИГИНИ НАМОЁН ҚИЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗ ПОЛВОНЛАРИ ЖУДА КўПЛАБ МУСОБАҚАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИБ ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ РАВИШДА ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР.

15-16 ноябрь кунлари Туркия давлатининг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича ёшлар ўртасидаги V-жаҳон чемпионати-да полвонларимиз иштирок этиб, катта ютуқларга эришди-лар.

Ўз вазн тоифаларида кураш олиб борган спортчиларимиз 3 та олтин, 2 та кумуш 3 та бронза медали билан юртимизга қайт-дилар.

Шаҳримиздаги Олимпия шон-шухрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида курашчи полвонларимиз ва журналистлар ўртасидаги суҳбат айнан шу чем-пионат натижалари хусусида кеч-ди.

—1989 йилда таваллуд топган, бир неча халқро турнирларда голи-би Ўзбекистон чемпиони Яхё Имо-мов 73 килограммгача вазн тои-фасида гиламга чиқиб, ўз рақиб-ларига ўзбек полвони нималарга қодир эканлигини намойиш этди ва олтин медал соҳибига айлан-ди, — дейди Ўзбекистон Кураш федерациясининг матбуот котиби Зулхумор Рўзиёва. — Шунингдек, 81 килограммгача вазн тоифаси-да кураш олиб борган спорт ус-таси Баҳодир Фаниев ва 100 кило-граммгача вазндаги Ширин Шариповалар ҳам грециялик,

грузиялик полвонлардан устун эканликларини кўрсатиб олтин медални қўлга киритдилар. 100 килограммдан юқори вазн тоифа-сидаги финал учрашувларида арманistonлик полвонга баҳсни бой берган ҳамюртимиз Болта-бой Болтаев ва мулқаз вазн тои-фасида грузиялик Йадзе Георгий билан куч синашган полвонимиз Бектош Сафаров кумуш медал билан тақдирландилар. Бошқа юртдошларимиз Давронбек Са-идов ва барчиной кизларимиз-дан Умида Матякубова, Шоҳида Назаровалар эса бронза медали-ни қўлга киритдилар. Туркияда якунига етган жаҳон чемпиони юртимиз ёшлари ичида Ватан доврuginи дунёга танитадиган полвонлар етишиб чиқаётганини яна бир бор намоён этган бўлса, энди терма жамоамиз Эрон дав-латида ўтиши кутилаётган VI-Осиё чемпионатига тайёргарлик машғулотларини бошлаб юбор-ди. Чемпионат гиламига 66, 73, 81, 90 килограммгача ва 90 кило-граммдан ортиқ вазн тоифалар-даги полвонлар чиқадилар. Му-собақалар 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Дарҳақиқат, Туркия давлатида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юртдошларимиз мамлакатимиз

шаънини муносиб равишда ҳимоя қилдилар. Биз матбуот ан-жумани давомида полвонларим-изнинг чемпионат ҳақидаги фикрларини олишга ҳам муваф-фақ бўлдик.

Яхё ИМОМОВ, олтин медал соҳиб:

—Ушбу чемпионат барча ишти-рокчи полвонлар қатори мени ҳам жуда ҳаяжонлантирди. Ўзга юрт-да бўлганимизда ҳамisha она-Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишни чин дилдан истаймиз албатта. Мустақиллик биз ёшлар-га жуда кўплаб имкониятларни берди. Узимизга бўлган ишончи-ни янада оширди, устимизда иш-лаш, изланиш имкониятини берди. Менинг галабада устола-римнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Қачон, қаерда бўлмай ҳами-ша Ватанимиз меҳрини, халқи-мизнинг бизга бўлган ишончини, миллий курашимизнинг залвори-ни чин дилдан ҳис қиламан. Бун-дан кейин ҳам мамлакатимиз ш-арафини, ўзбек курашининг халол номини оқлашга ҳарқат қиламан. Истаймани, кураш Ватанимиз доврuginи янада юксакларга чор-лайверсин, халқимиз ҳамisha тўкин ва фаровон ҳаёт кечир-син....

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЭЪТИБОРНИ БЎЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 ЙИЛ 4 НОЯБРДАГИ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН РЕСПУБЛИКАМИЗДА 10 НОЯБРДАН 10 ДЕКАБРГАЧА «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Бундан кўзланган асосий мақсад, фармойиш-да таъкидланганидек, газ, энергетика, сув ҳўжа-лиги ва иситиш мосламаларининг созилигига эришиш, ёнғин хавфсизлиги қондалари бузи-лиши бўйича пухта текширувлар ўтказиш, ёнғин рўй беришига йўл қўйган айбдор раҳбарларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чораларини кўриш, объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини ёнғин ўчириш тех-никалари, жамоатчиликни ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларига кенг жалб қилиш ва бошқа

вазифалар бўйича чора-тадбирлар кўришдан иборат.

Азиз юртдошлар! Ушбу тадбирда фаол иш-тирок этиш орқали давлат, шахсий мулк-ин-гиз ва уй-жойингизни ёнғиндан асрашга му-носиб ҳисса қўсангиз, яқинларингиз ҳамда фарзандларингиз хавфсизлигини таъминла-ган бўласиз.

Рашид НИЁЗОВ, 12-ХЕҲО, 24-ХЕҲҚ инспектори, катта сер-жант

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 15 ЁШДА! «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида очик аукцион савдосига таклиф этади! I. 2008 йил 30 декабрь кунини соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 25.12.2006 йилдаги 1-1020/2007-сонли икром аракасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ЖИБ судида сакланаётган, «ГАЗ-31029-русумли, д/р 30V7721 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйил-моқда. Бошланғич баҳоси—3 453 498 сўм. II. Шунингдек, 2008 йил 16 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига так-роран, Тошкент шаҳар Чилонзор ту-мани суд икромчилари бўлими томони-дан, ФИБ Учтепа туманлараро суди-нинг 2006 йил 16 июндаги 1-914/06-сонли икром ҳужжатига асосан хатлан-ган, қарздор «Тошкент лифт Трести»га тегишли бўлган куйдаги кўчмас мулк-лар қўйилмоқда. 1. Умумий майдони 92 кв.м. бўлган 4 хонали, Тошкент шаҳар Юнусобод

Тошкент давлат цирки ҲУРМАТЛИ ҚАМШАҚАРАЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! Ўқувчиларнинг қийқи таътил кунларида барча ёш томошаларини «Насриддин Афандининг янги эртақлари» цирк спектаклида таклиф этамиз. Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси ОАЖ электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йил-нинг 31 декабрида туғани муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади. Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчи-лари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъ-минловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур. Шартномалар қуйдаги талаблар бажарилганда тузилади: • Ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблагич-лар ўрнатилган тақдирда; • 2008 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлма-ганда. Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхо-на ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайдиган ҳама уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатила-ди. «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маъмурияти

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3282 нусxada босилди. Қўғоғи бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 6